

Дунёда хар бир миллатнинг ҳуқуқли ва масъуд бир суратда яшамаки, ул миллатнинг ўз замониндаги маориф ва маданиятни қабул этмакига муваффақ бўлгонидек, хар бир оиланинг бахтиёрлиги ва роҳат билан тирикчилик этмакига ҳам ул оиланинг афроди мутлако тарбияли бўлурга тевишдир. Оламда тараккий этган ҳеч бир миллат йўқдир-ки, унинг оиласи тарбиясиз қолгон бўлсин. Ёки ҳеч бир оила йўқдирки, унинг афроди тарбия қўрмайинча чин бахт-саодат билан умр кечирмакца бўлсин.

Исломиятнинг аввалги асрлариндаги мусулмонлар оила тарбиясига аҳамият бериб, эркак ва киз болаларини ўқита бошладилар. Хотунлар ҳуқуқини риоя этдилар. Ва шул сояда маориф ва маданият йўлига қадам қўйиб, улуг бир қувват ҳосил этдилар. Озгина вақтда дунёнинг қисми аъзамини ўзларига қаратдилар. Ул асрларда ислом дунёсинда эрлар қаторинда хотинлардан ҳам қанча олима ва шоира, муҳаррира, хатиба, адиба ва фақиҳалар етишган эди.

Мусулмонларнинг у давр тараккийлари Аббосий халифаларнинг замониғача давом этди. Аббосийлар давринда бошлаб оила тарбияси бузилди. Хотунлар ҳуқуқига тажоввуз этилди. Халифа ва амирлар саройинда айш ва ишрат ва шафохат бошланди. Ҳукумат идораларинда жабру алам, гадру хиёнатлар юз берди ва ўшал дақиқадан эътиборан мусулмонлар ижтимоий ва сиёсий жихатдан қундан-қун таназзул эта бошладилар. Ҳукуматлари қўлдан кетди, мамлакатлари барбод бўлди. Бошдан ўзгаларга амир ва ҳоким бўлиб қелган мусулмонлар ахлоқсизликлари ва оила тарбиясининг бузуқлиги сабабли бора-бора ётларга маҳкум ва асир бўлиб қоддилар.

Ҳосили қалом, аввалги асрларда мусулмонлар ҳусни ахлоқ ва оила тарбияси соясиндагина тараккий этдилар ва масъуд бўлдилар. Охирида оила тарбиясиндан қўл қўтарганлари ва ахлоқсизликлари сабабли суқут этиб ҳозирги қолға тушдилар.

Биз туркистонлилар ҳам 15 йил бўладирки, бу дунёда ўзгалардек тараккий ва таолий этмақ орзуси билан янги мактаблар оча бошладик. Ёлғиз эркак болаларимизни тарбия этарга қиришдик, аммо қизларимизнинг тарбиясига ҳозирғача ҳеч бир аҳамият бермадик.

Бизлар ушбу ноқис ва ҳато ҳаракатларимиз билан яна истармизқим, қелар замонда бизлардан ҳам масъуд оилалар етишсин, бизлар ҳам бошқалар қаторинда муқараккий ва

мутамаддун бўлайлик. Лекин хозирдан билмагимиз ва амин бўлмогимиз керакдирким, бизлар то эркак ва киз болаларимизни биргаликда тарбия этмагунча бизлардан келажакда масъуд оилалар етишмас. Бизлар ҳеч вақт гоёи аъмолимиз бўлгон чин бахт ва саодатга, тараккий ва тамаддунга етолмасмиз.

(Охири бўлур.)

*«Меҳнаткашлар товуши» газетаси, 1918 йил, 9 июль*